



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М**

2021 йил [REDACTED] жиноят ишлари бўйича Кармана туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: судья Ж.Каримов,

судья ёрдамчиси Ж.Мавлоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Кармана туман прокурорининг катта ёрдамчиси Х.Ҳамраеванинг қатнашувида, судланувчи Ш.Бахриддинов ва унинг [REDACTED]

[REDACTED] атан бўлган № [REDACTED] жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи: [REDACTED]

[REDACTED] Кармана туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, уйланмаган, муқаддам судланмаган, вақтинча ишламайди,

[REDACTED] йилда “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 10.04.2021 йилдан бери қамокда, айблов ҳулосаси нусхасини 05.06.2021 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддасининг 2-қисми “л” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг охириги сўзини эшитиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И :**

Судланувчи Ш.Бахриддинов, [REDACTED]

[REDACTED] Зарафшон дарёсига борувчи йўл яқинидаги тўқайзорда таниши [REDACTED] либ чиққан ўзаро жанжал оқибатида, уни қорин соҳасига совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган

пичоқчани (чакқи) санчиши натижасида, жабрланувчи Ж.Астановга РСТЭИАМНФ Кармана тумани СТЭБнинг [REDACTED]

[REDACTED] н жароҳати, ўпка пастки бўлаги санчиб тешиб ўтувчи жароҳати, чап томонлама диафрагма санчиб тешиб ўтувчи жароҳати, йўғон ичак тушувчи чамбар ичак санчиб тешиб ўтувчи жароҳати, қорин парда орти гематомаси, гемоторокс, гемоперитониум, постгеморогик шок [REDACTED] бўлган оғир тан жароҳати” етказган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ш.Бахриддинов айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, [REDACTED]

[REDACTED] ида Жамшиднинг қиз жияни билан танишиб у билан севишиб гаплашиб юргани, ушбу қиз боланинг оила аъзолари бу ҳақда хабар топишгач, унинг амакиси Жамшид ҳам унга жиянига бошқа гапирмасликни айтганини, шундан кейин Жамшиднинг қиз жияни билан муносабатлари тугагани, 2020 йил 10 апрель куни соат 12:00 ларда уйдан чиқиб, “Кўхна кўрғон” маҳалласидаги савдо дўконга бораётганида, йўлда таниши Жамшид уйи томонидан ўзиринг велосипедида унинг олдидан ўтиб кетганини, у унга ола қарагани учун, у ҳам унга қарагани, сўнг Жамшид велосипедини тўхтатиб, уни олдига чақириб, унга “нимага менга ола қарайсан, нима одам кўрмаганмисан” деб гапиргани, шунда сўз устида таллашиб қолиб, Жамшид уни юзига бир шапалоқ ургани, кейин у унга муаммо керак эмаслигини айтиб, уни тинчлантирмоқчи бўлганини, шу пайт уларнинг олдига ўша ерда яшовчи Холида опа ва таниши Шердил келиб уларни ажратишгани, кейин Жамшид унга четга чиқиб гаплашишни айтгани, сўнг улар иккови мол боқадиган жойга яъни Зарафшон дарёси бўйига боришгани, йўлда Жамшид велосипедини судраб кетаётиб, уни ёмон сўзлар билан ҳақорат қилгани, шунда у жаҳли чиқиб ёнида бўлган, эгнидаги спорт кийими ўнг томон чўнтагида бўлган пичоқча (чакқи) билан унинг орқа биқинига санчгани, кейин Жамшид велосипедини четга ташлаб, уни юз қисмига икки маротаба урганини, сўнг у унинг биқинларига бир неча маротаба пичоқ билан зарба бериб, у ердан қочиб кетгани, Жамшид унинг орқасидан тош отганини, у кўрқиб қочиб кетиб, уйига келиб, бўлиб ўтган воқеани ўзининг янгаси Лолага айтгани ва унга пичоқни бергани, янгаси унга сув ичириб, телефон орқали ИИБ ходимларини чақиргани, ўша куни Жамшидни санчиб олгани пичоғи отасидан унга эсдалик бўлгани, у уни ҳар доим ёнида олиб юргани, у ўша куни Жамшид уни уриб бирор нарса қилиб кўйишидан кўрқиб, унинг биқинига пичоқ санчгани, ўша куни маст бўлмагани, Жамшидни ўлдириш нияти бўлмагани, жабрланувчи Ж.Астановдан кечирим сўрагани, бироқ жабрланувчига етказилган зарарларни қопалй олмагани, ҳозирги кунда содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, унга нисбатан енгилроқ жазо беришликни сўради.

Судланувчи Ш.Бахриддиновнинг айби, унинг судда айбига тўлик иқрорлик билдириб берган кўрсатмасидан ташқари, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари билан ўз тасдиғини топди.

Жумладан, суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ж.Астанов ўзининг кўрсатмасида, бир маҳаллада яшовчи судланувчи Бахриддинов Шахзод олдиндан танишини, бундан бир неча йил олдин қиз жиянига гапириб юргани учун уни огоҳлантириб жияни билан гаплшамаслигини айтгани,

” маҳалласи марказий кўчасида ўтиб кетаётган Шахзодни кўриб қолгани, у унга ола қараб олдидан ўтиб кетганини, шунда у Шахзодни чақириб, унга ола қарамаслигини айтганида, у уни менсимасдан гапирганини, шунда у Шахзодни бошига қўли билан уриб, тўғри юришини муаммо қилмаслигини айтганини, уларни ўзаро тортишувини кўчада кўрган бир аёл киши билан бир бола уларни ажратиб қўйишгани, улар кетгач, у

сезмаганини, у ерга йиқилганини, кейин қараганида биқинидан қон бўлиб кетганини, шундан сўнг Шахзод унга пичоқ урганини тушунганини, пичоқ зарблари кучсиз бўлгани учун синиқ шишалар устига йиқилган бўлиши керак деб ўйлагани, туриб Шахзодни қувмоқчи бўлганида у ундан кўркиб, у ердан қочиб кетганини, кейин у юриб йўлгача чиққани ва акасига кўнғирок қилгани, акаси таксида келиб уни шифохонага олиб кетгани, ўша куни бу жанжал ўзаро гап таллашиб бир-бирларини ҳақорат қилишлари натижасида бўлганини, у билан тортишган вақтда “ўлдираман” деган сўзларни ҳеч ким айтмагани, ҳозирги кунда шифохонада даволаниб чиққани, судланувчига нисбатан моддий ва маънавий зарар бўйича ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, аммо судланувчига нисбатан қонуний жазо тайинлашни билдириб, кўрсатма берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Ш.Надиров, у Холида янгаси билан бирга йиғилган баклажкларни баклажка қабул қилиш жойига топшириб қайтаётгани, йўлда қишлоқнинг йўлида Шахзод ва Жамшид исмли кишиларни кўриб қолишгани, улар оғзаки жанжал қилаётган бўлгани, ўша пайтда кўчада улардан бошқа ҳеч ким бўлмагани, Жамшид велосипедини йўл четига қўйиб ўзи Шахзодга яқинлашиб келиб, уни бир мушт урганини кўргани, сўнг Жамшид Шахзодни бошқа урмагани, шу пайт у билан Холида янгаси билан уларга яқинлашиб, уларни ажратишганини, у билан Холида янгаси уларни ажратгандан кейин у Шахзодни уйига жўнатиб юборгани, Жамшидга ҳам у билан уриш қилмаслигини айтиб, ўзининг йўлига кетганини, сўнг нима бўлганини билмаслигини, кейинчалик кўчада одамлардан ўша куни

” ўлида бирор-бир пичоқ ёки шунга ўхшаш нарса кўрмаганини билдириб кўрсатма берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Л.Воҳидова, судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] б келганини, у уни тинчлантириш учун уйига олиб киргани, кейин ундан нима бўлганини сўраганида, Шахзод унга маҳаллада яшовчи Жамшид исмли йигит билан жанжаллашиб қолганлиги учун уни пичоклаб қўйганини айтгани, кейин у уни тинчлантиргани, кейин унга Шахзод Жамшидни жароҳатлаган пичокчасини бергани ва бу тўғрисида ИИБга хабар қилишини айтгани, сўнг у бу тўғрисида маҳалла профилактика инспекторига хабар бергани, кейин ИИБ ходимлари уйига келишганда, у ўзининг ҳоҳиши билан Шахзод унга берган пичокчани уларга топширганини, ИИБ ходимлари холислар иштирокида ундан металл пичокчани расмийлаштириб олишганини билдириб кўрсатма берди.

Суд, судланувчи Бахриддинов Шахзод Шухрат ўғлининг айби ўзининг суд процессида айбига иқдор бўлиб берган кўрсатмасидан ташқари, 10. [REDACTED]

[REDACTED] фуқаро Ж.Астановнинг тан жароҳати олганлиги ҳолати юзасидан ёзган билдиргиси билан (иш в.3), воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар билан (иш в.4-16), нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомалари билан (иш [REDACTED])

[REDACTED] ш тергов ҳаракатлари баённомаси ва илова қилинган фото ва видеотасвирлар билан ([REDACTED] ишининг бир қисмини ҳаракатдан тугатиш ва маъмурий тартибда кўриб чиқиш учун юбориш тўғрисида қарори билан (иш в.124-128), нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор билан (иш в.129) ҳамда жиноят ишида бўлган бошқа инкор этиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан исботини топган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи судланувчи [REDACTED] ўғлининг ижтимоий хавфли ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисмининг “л” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 24.09.2004 йил йилдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли Қарорининг 3-банди, 2-хатбошисида, қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш билан баданга оғир шикаст етказиш

жиноятларининг фарқи тушунтириб ўтилган бўлиб, хусусан айбдорнинг жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш ниятида ҳаракат қилган-қилмаганлигини, ўлим юз беришини истаган-истамаганлигини ва қандай ҳолатлар исталган натижа юз беришига тўсқинлик қилганлигини аниқлаш зарурлиги кўрсатилган.

Жиноят иши бўйича судланувчи ва жабрланувчининг орасида келишмовчилик олдиндан мавжуд бўлиб, воқеа содир бўлган куни келишмовчилик жабрланувчи Ж.Астанов томонидан бошлангани, Ж.Астанов муаммоларни четроқда ҳал қилиш учун Ш.Бахриддиновни чеккароқ жойга олиб боргани, Ш. [REDACTED] реал имконияти бўлгани ҳолда, унинг тажовузидан қутилиш учун воқеа жойидан қочиб кетгани каби иш ҳолатлари судланувчи Ш.Бахриддинов жабрланувчи Ж.Астановни ўлдириш мақсадида эмас, балки ўзини унинг тажовузидан ҳимоялаш учун ҳаракат қилганини, унинг ўлимини истамаганини тасдиқлайди.

Мазкур Пленум Қарорининг 4-банди 2-хатбошисида, айбдорнинг қасди нимага қаратилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишнинг барча ҳолатлари мажмуидан келиб чиқилиши, хусусан, жиноятни содир этиш усули ва қуроли, тан жароҳатлар сони, хусусияти ва ўрни (масалан, одам ҳаёти учун муҳим аъзоларининг жароҳатланганлиги), жинсий ҳаракатлар тўхтатиши сабаблари, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзаро муносабатлари, айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракатлари хусусияти эътиборга олиниши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Жиноят ишида мавжуд экспертиза хулосаларига кўра, жабрланувчи Ж.Астановда аниқланган жароҳатларнинг аксарияти юзаки жароҳатлар эканлиги ва етказилган жароҳатлар ўрни, хусусан ҳаёт учун муҳим бўлган ва зарар етказилиши биланоқ ўлим ёки бошқа оғир оқибатларни келтириб чиқарадиган тана аъзоларига шикаст етказилмаганлиги, ижтимоий хавфли қилмиш айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларда эмас, балки тажовуз бартараф этилиши биланоқ тўхтагани каби иш ҳолатлари судланувчи Ш.Бахриддиновнинг хатти-ҳаракатларида қасддан одам ўлдиришга нисбатан қасд мавжудлигини истисно қилади.

Шунингдек, судланувчи Ш.Бахриддинов жабрланувчи Ж.Астановдан кўрқиб, унинг тажовузидан қутилиш учун воқеа жойидан қочиб кетгани, бирор-бир қонун ҳужжатида жабрланувчига ёрдам бериш унинг зиммасига юклатилмагани, бўлган ҳолат юзасидан ИИБга хабар қилишга урингани каби иш ҳолатлари судланувчининг хатти-ҳаракатларида хавф остида қолдириш жинояти таркибини истисно қилади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖК 55-моддасига кўра судланувчи Ш.Бахриддиновнинг айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмагани, ёшлиги, жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид ҳулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиши жазони енгиллаштирувчи ҳолатлари деб топиб, Ўзбекистон

Республикаси ЖК 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни топмади.

Суд, судланувчи Ш.Бахридиновга нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Суду Пленуми 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 37-бандида ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят Кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки моддада кўрсатилмаган бошқа жазони тайинлаши мумкин” деб кўрсатилган раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, ЖПКнинг одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилган ҳолда, судланувчи А.Буриевнинг айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмагани, ёшлиги, жабрланувчини ғайриқонуний ёки ахлоққа зид ҳуққ-атвори таъсири остида жиноят содир этиши жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини жиддий камайтирувчи ҳолатлари деб ҳисоблаб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбли деб топилаётган ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “л” банди санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам муддатидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни ва жазони умумий тартибли колонияларида ўташ белгилашни;

Ш.Бахридиновга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргунга қадар аслича ўзгаришсиз колдиришни;

ашёвий далил деб эътироф этилган, Кармана тумани ИИБ далилий ашёлар сақлаш хонасида сақланаётган бир дона металл пичоқча, қонга ўхшаш доғ намуналари, қон доғлари бўлган тошлар, қонга ўхшаш доғлари бўлган тупроқ намуналари, Ж.Астановнинг эғнида бўлган ва қонга ўхшаш доғлари бўлган кепка, эркаклар кийими, ички кийим, бир жуфт шиппак, бир жуфт оқ пайпоқлар тегишли тартибда йўқ қилинишини;

ашёвий далил деб эътироф этилган Ш.Бахридиновнинг эғнида бўлган бир дона қора рангли жемфер, бир дона қора рангли эркаклар спорт шими, бир жуфт крассовка, бир жуфт пайпоқ, бир дона ички кийим ва бир дона қўлга тақиладиган мато тергов жараёнида онаси Р.Абиловага тилахат асосида қайтарилганлиги инобатга олинишини;

иш бўйича судланувчи Ш.Бахридиновга нисбатан жабрланувчи Ж.Астанов томонидан ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарлар бўйича даъвоси йўқлигини инобатга олинишини;

Ш.Бахриддиновнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқларини тушунтириш, ушлаш ва ушлаш вақтида шахсий тинтув, кўрсатувларни воқеа жойида текшириш тергов жараёнлари тасвирланган икки дона “DVD” дискларни ва шахси сир сақланиши сўралган гувоҳнинг сўроқ баёномаси солинган муҳрланган конвертни жиноят иши билан бирга сақлашликни лозим деб топди.

Баён этилганларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 459, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига асосланиб, суд,

## Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Судланувчи

бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга нисбатан шу моддага асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддаси кўлланиб, 3 (уч) йил муддатга озодликни маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларида ўташ белгилансин.

Жазо ўташ муддати 2021 йил 10 апрелдан ҳисоблансин.

Ш.Бахриддиновга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргунга қадар аслича ўзгаришсиз қолдирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган, Кармана тумани ИИБ далилий ашёлар сақлаш хонасида сақланаётган бир дона металл пичоқча, қонга ўхшаш доғ намуналари, қон доғлари бўлган тошлар, қонга ўхшаш доғлари бўлган тупроқ намуналари, Ж.Астановнинг эғнида бўлган ва қонга ўхшаш доғлари бўлган кепка, эркаклар кийими, ички кийим, бир жуфт шиппак, бир жуфт оқ пайпоқлар тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ш.Бахриддиновнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқларини тушунтириш, ушлаш ва ушлаш вақтида шахсий тинтув, кўрсатувларни воқеа жойида текшириш тергов жараёнлари тасвирланган икки дона “DVD” дискларни ва шахси сир сақланиши сўралган гувоҳнинг сўроқ баёномаси солинган муҳрланган конверт жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози томонлар йигирма сутка муддат ичида, судланувчи ва жабрланувчи эса уларга ҳукм нусхаси топширилган кундан бошлаб, Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига, шикоят, прокурор эса протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи, судья

Ж.Каримов